

7«12»2022 yil.

511-14-199-ХТ/2022-son

Кейинги үринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган, Ташкент ш. Миробод тумани халқ таълим муассаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари в.в.б Ш.А.Бекчанов бир томондан ва кейинги үринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «TEMURBEK STROY» масъуляти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш курувчи раҳбари Б.Нурматов иккинчи томондан, Миробод туманидаги 218-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби спорт майдончасини (футбол стадионини) жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тушиб имзоладилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар қўлланилади: ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар; қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади: вактнчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар кандай типдаги вактнчалик бинолар ва иншоотлар; беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини босқичларга тақсимлаш. **II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига қўра лойихада қўзда тутилган 218-сонли умумтаълим мактаби футбол стадионини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. **III. Шартнома бўйича ишлар киймати**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланиб, Танлов комиссиясининг (197632) 02.12.2022 йилдаги электрон танлов баённомаси билан тасдиқланган ишлар кийматининг барча соликлар шу жумладан КҚС билан объектнинг киймати 450 500 000 (Тўрт юз эллик миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш кийматини кўпайтиришга ёнгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони худудида вактнинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритип чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактнинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони қўрикланишини таъминлаш;

курилиш обеъкти бўйича фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тегишли тартибда тасдиқланган ҳолда объектни буюртмачига топшириш

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқси бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати 15 (Ўи беш) кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи: – 135 150 000** (Бир юз ўттиз беш миллион бир юз эллик минг) сўм микдорида аванс маблагини ўтказиб беради.

Якуний колган **70 фоизи: – 315 350 000** (Уч юз ўн беш миллион уч юз эллик минг) сўм тўлов графигига асосан амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг **50 фоизигача** доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг колган **50 фоизи** учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул килингандан кейин икки босқичда амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

20. Шартномани амал килиш мuddати **31 декабр 2022 йил**.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаетган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиклигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

23. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида қўрсатилган муддатлар билан мувофиклаптирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиши назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлангандан Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилап бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиши учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиши ўкларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

30. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

32. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги Курилиш соҳасида назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги Курилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларида жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўнайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 36-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

38. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириди ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошлангандан пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажарини дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриклаш

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган қурилиш майдони

худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада қўриклинишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк обьект қабул килиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

42. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилини учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама киладилар.

44. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул килиб олиш

45. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишининг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **5 кун** мобайнида қабул қилиб олинади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5 кун** олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлани керак.

48. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

49. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

ложиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф қилишни;

обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиши коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

50. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кесчикирлганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

51. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўпма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган иншлар кийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим кондасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордом томон иккинчи томонга стказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордом томон:

иккинчи томонга стказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

57. Мазкур шартномага тегишили иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятнага риоя қилмаганлиги, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг **50 фоизидан ошмаслиги лозим**.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли стказилган заарни коплашдан озод қилмайди.

58. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқландан асослиз равишда бош тортганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи** микдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тупириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьекти шартномавий жорий кийматининг **50 фоизидан ошмаслиги лозим**.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **0,1 фоизи** микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **50 фоизидан ошмаслиги керак**.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли стказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, инш ҳужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг **15 фоизи** микдорида жарима ундириши хукукига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур молдала назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан

килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплади.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманларо иктисодий суди томонидан кўриб чиқлади.

XVI. Коррупцияга қарши шарт

64. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши кураши соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вайда қилиш, тъмамирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга каратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

65. Томонлар ушбу Шартноманинг 67-бандидаги талабларни бузиб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳакида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашин соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVII. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишили бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишили иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишили мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Миробод тумани Халқ таълими бўлими

Манзил: Миробод тумани Миробод
Кучаси 8 уй
x/p:23402000300100001001
ХҚҚМ марказий банк бош бошкарма
Инн:201534627, 201122919
МФО:00014
ш/хр:100022860262737092100075036
тел:71-256-30-47

_____ III.А.Бекчанов

Пудратчи

**“TEMURBEK STROY” масъуляти
чекланган жамияти**

Манзил: Тошкент ш.Чилонзор тум.Арпапоя
кучаси 12 уй.

x/p 20208 0004 0086 3809 001
АТБ«Ўзсаноаткурилишбанк бунёдкор ф-л»
ИНН: 305450798
МФО: 01022100000000000000
ОКЭД: 44202
Тел:

M.У. _____ Е.Мурматов



	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyigini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SHERZOD BEKCHANOV ALIMOVICH
	Imzolangan sana	05.12.2022 17:56
	Hujjat kodi	MP1804113313
	Hulosa kodi	WG6255854288



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

MIROBOD TUMAN ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

1000072, Toshkent shahar, Mirobod tumani, A.Fitrat ko'chasi, 40 A-uy

el. pochta: mirobod.t-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

WG6255854288

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Mirobod tuman Xalq ta'lismi bo'lumi va "TEMURBEK STROY" MCHJ o'rtaida pudrat shartnoma loyihasi (02/22A-sonli).
3. Loyihaning qisqacha mazmuni: Mirobod tuman Xalq ta'lismi bo'lumi va "TEMURBEK STROY" MCHJ o'rtaida Mirobod tumani 218-sonli davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktabining sport maydonchasini (futbol stadionini) joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida pudrat shartnomasi loyihasi. "Davlat xaridlari to'g'risida" Qonuni bo'yicha eng yaxshi takliflarni tanlash tartib taomili bo'yicha amalga oshirilgan davlat xaridi. LOT raqami 22110012197632. Shartnoma loyihasi qiymati 450 500 000 so'm.
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mirobod tumani xalq ta'limi tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.
5. Loyiha amaldagi qonun hujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq. Moliyaviy ekspsertiza bundan mustasno.

Mirobod tuman
yuridik markaz
bosh yuriskonsulti



SH.A.ABDUSATTOROV

05.12.2022